



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ҳакимжонов Ўктамжон Анваржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-april 2023 yil

Ma'qullandi: 20-april 2023 yil

Nashr qilindi: 22-april 2023 yil

KEY WORDS

ҳуқуқбузарлик, виктимологик
профилактика, ҳуқуқшунос,
чора-тадбир, принцип, субъект
тавсифи, одам савдоси,
экстремизм, терроризм,
оммавий маданият.

ABSTRACT

*Мазкур мақолада биз ҳуқуқбузарликлар
виктимологик профилактикаси фаолиятининг
мақсад ва вазифалари таҳлилини амалга оширамиз
ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз.*

Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари борасида тадқиқот ўтказган ҳуқуқшуносларни айнан келтириш мушкул. Бироқ ушбу фаолиятнинг айрим йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари борасида қарашлар мавжуд. Хусусан, одам савдоси жиноятининг виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ушбу профилактиканинг тушунчаси, чора-тадбирлари, принциплари ва субъектлари тавсифини қамраб олиши таъкидланган.

Виктимологик профилактиканинг мақсади потенциал қурбонларни ҳимоя қилиш орқали жиноятлар (қурбонлар сони билан характерланадиган) сонини камайтириш⁵. Ушбу таърифда виктимологик профилактиканинг мақсади биров чегараланган. Шунини таъкидлаш жоизки, виктимологик профилактика фақатгина потенциал қурбонлар билан чегараланиб қолмайди, балки мазкур тоифа шахсларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи сабаб-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Виктимологик профилактиканинг мақсади жабрланувчиларни жиноятдан огоҳлантириш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишдан иборат⁶ деган қараш ҳам мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, замонавий виктимологик профилактика фақат огоҳлантириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборат эмас, балки ишонтириш ва мажбурлаш каби воситалардан бошқа йўналишларда ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Криминологик тадқиқотларда виктимологик профилактиканинг мақсади виктим ҳулқ-атворни шакллантирувчи, шу жумладан ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилар, ҳолатлар, вазиятларни аниқлаш ҳамда бартараф

этиш(зарарсизлантириш, тўсиқлаш), шунингдек хавф остидаги гуруҳлар ва виктимлиги юқори бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш, фуқароларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг виктимлашувининг олдини олиш деб эътироф этилади. Мазкур ёндашувларда келтирилганидек, виктимологик профилактиканинг мақсади ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи омиллар, ҳолатлар, вазиятлар эмас, балки ундан жабрланишни келтириб чиқарувчи омиллар, ҳолатлар, вазиятларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилиши лозим.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, бугунги кунда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятида қўлланилаётган чора-тадбирлар қуйидаги мақсадларга қаратилган:

- 1) «одам савдоси», «экстремизм», «терроризм», «оммавий маданият», наркотрафик ва шу каби бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар таҳдидларидан аҳолининг барча қатламини огоҳ этишга;
- 2) аҳолининг, айниқса, улар орасида ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали ҳуқуқбузарликдан жабрланиш хавфини камайтиришга;
- 3) ёнғин, йўл-транспорт ҳодисалари, бахтсиз ҳодисаларга олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар таҳдидларидан аҳолининг барча қатламини огоҳ этиш ва хушёрлигини оширишга;
- 4) ижтимоий-руҳий, жисмоний-физиологик, касби, ижтимоий-моддий аҳволи ва бошқа хусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик жабрланувчисига айланиш хавфини минималлаштиришга;
- 5) ўзининг ғайриижтимоий ҳуқ-атвори туфайли ҳуқуқбузарликлар жабрланувчисига айланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишга;
- 6) оила-турмуш ва маиший соҳада тез-тез низолар, келишмовчиликлар келтириб чиқарувчи ва бошқа салбий хусусиятларга эга тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик таъсир кўрсатишга;
- 7) ҳуқуқбузарликлардан жабрланишни келтириб чиқарувчи сабаб-шароитлар ҳамда омилларни аниқлаш ва бартараф этишга.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг мақсадини қуйидагича таърифлаш мумкин: Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг мақсади – бу фуқароларнинг, айниқса, улар орасида жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларни ҳар қандай хавф тўғрисида огоҳлантириш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш сабаб-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш орқали жабрланишнинг олдини олиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш орқали фуқароларнинг огоҳлиги ва хушёрлигини ошириш ҳамда хавфсизликни таъминлашдир.

Адабиётлар:

1. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida”gi Qonun // 2014

2. "Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Prezident Qarori // 2019
3. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay'atining kengaytirilgan yig'ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021
4. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).

